



ТИББИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 06 2021 YIL 20 AVGUST

“Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узоқни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз. Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришадиган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир”.

Ш.МИРЗИЁЕВ



БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирish имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Ўтган 30 йил давомида жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтди, юртимизда оламшумул ишлар амалга оширилди. Янгиланаётган Ўзбекистон тамомила янгича қиёфа касб этмоқда, бунёдкорлик ишлари жадал суръатда давом этмоқда. Кейинги йилларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйилаётгани, янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани қайд этилди. Айниқса сўнгги 5 йил ичида мамлакатимиз тараққий топиб, одамларнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини юқори босқичга кўтариш йўлида бирлаша олдик. Мамлакатда реал ишлайдиган қонунлар қабул қилинди. Аҳолини турмуш даражаси яхшиланмоқда, маҳобатли турар жой бинолари, текис раван йўллар, шинам, кўркам маҳалла ва гузарлар, замонавий дам олиш масканлари, ёшлар учун кун сайин янгиланиб бораётган имкониятларда ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари янги ғоя ва стратегик ёндошув билан ўз атрофига янги давр ислохотчилари, ватанпарвар фидойиларни тўплаб уларнинг бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб бориши учун бор имкониятларни ишга солди. Айниқса коронавирус пандемияси бошланган даврда бу яққол намоён бўлди. Хавфли

касалликка чалинган минглаб юртдошларимизнинг шифо топиб, оиласи бағрига қайтаётганида ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги кўплаб соҳа эгалари каби шифокорларнинг беқиёс хизматлари бор. Ҳозирги мураккаб пандемия шароитида чинакам саломатлик посбонлари бўлиб майдонга чиқаётгани ҳар қандай таҳсинга лойиқдир.

Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир. Юртимизда бирламчи тиббий-санитария, шошилиш ва тез тиббий ёрдам ҳамда ихтисослаштирилган хизматлар такомиллашиб бормоқда. Оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш, касалликларни барвақт аниқлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятни ошириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш бўйича сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Маълумки, пандемия Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун мислсиз синов, айни вақтда изчил ривожланиш, янги тажриба орттириш йили бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу машаққатли курашнинг олдинги сафларида туриб, ўз

ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб келаётган барча тиббиёт ходимларига чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини барча жаҳаларида бўлгани каби, тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва юқори малакали мутахассисни шакллантиришда тиббиёт олий ўқув юртларида талабаларни тайёрлаш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва инновациялар, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Биз ўз олдимизга халқимизни ҳар томонлама рози қилишдек улуғ вазифани қўйган эканмиз, бу мақсадга эришиш йўлида соғлиқни сақлаш тизимини жадаллик билан ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият қаратмоқдамиз.

Янги Ўзбекистон тиббиёти мустақиллигимизнинг 30 йиллигини муносиб шодёна, ўзгача ифтихор билан қарши олмақда.

Ҳурматли академиклар, профессор-ўқитувчилар, барча ходимлар ва талабалар бугунги жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб келаётган барча тиббиёт ходимлари, азиз ҳамкасбларимни Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН! Сизларга ҳамisha соғлиқ-омонлик, ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

А.ШАДМАНОВ,
ТТА ректори

“Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилиб бормоқда...”

Халқимиз XX аср сўнггида эришган, мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида том маънода туб бурилиш ясаган, буюк, оламшумул воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигини қаршиляпти.

Миллат озодлиги, юрт истиқболи билан боғлиқ бу тарихий сана – ўзбекистонликларнинг миллий байрами, энг улуғ ва азиз айёми, давлатимизни буюк ўзгаришлар сари юз буришида имконият эшикларини кенг очиб берган қутлуғ кун сифатида нишонланмоқда. Миллатнинг кадр-қиммати ва шаъни тикланган, ўзлигига эга бўлган кун – бу! Мустақиллик шарофати билан янги тарихий давр бошланди. Халқимиз, миллатимиз сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришди. Она тилимизнинг мавқеи юксалди. Мустақиллик ўзининг туб моҳияти билан жамият ва ҳар бир инсон ҳаётини янги бир йўналиш билан янги бир мазмун ва ғоя билан бойитди.

Бугун биз баралла айтишимиз мумкин: мустақиллик боғи ўз мевасини берди. Барчамиз унинг иштирокчиси бўлдик, эркимизни ўз қўлимизга киритдик, озодлик халқимизга ўзлигини, ўз исмини қайтариб берди, кадр қимматимизни жой-жойига қўйяпмиз, қадимий халқ бўлган ўзбегимнинг асл тарихи бунёд этила бошлади, бугунга келиб, мустақил юрт фарзандлари буюк бобокалонимиз “Темир тузуклари”ни ўқимоқда, муқаддас Куръони Карими ўқиб, ўрганишга мушарраф бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунё мамлакатлари ҳамжамияти орасида ўз ўрнини топмоқда. Ўзбекистон эндиликда жаҳон илғор технологиясини олиб келиш, фан ва техниканинг охириги ютуқлари ҳамда жаҳон маданиятини чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Республикаимизнинг қобилиятли ва истеъдодли ёшлари АҚШ, Германия, Франция, Жанубий Корея, Япония, Англия каби бир қатор ривожланган давлатларига ўқишга юборилмоқда.

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик! Хурликка эришганимизнинг 30 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президентининг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тай-

ёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги Қарорида таъкидланганидек, мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустақкам иродаси ва матонатини намоён этди, оғир синов ва машаққатларни мардона энгиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Дарҳақиқат, мустақил Ватанимиз – Ўзбекистон бугун дунёга юз тутмоқда, шу билан бирга дунё ҳам Ўзбекистонни, унинг бой маданиятини тан олмақда. Кундан-кунга мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятини билдирган давлатлар кўпайиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган

атлетикачи – Акбар Жўраев, бокс бўйича Баҳодир Жалолов ва бронза медали совриндорлари дюздочи – Давлат Бобонов, эркин курашчи – Бекзод Абдурахмановларнинг эришган ютуқлари Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмасликларини амалда яна бир бора исботлади. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақкамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади. Жумладан, сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларимиз натижасида, айниқса, 2017-2021 йилларда

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда бутун дунё миқёсида давом этаётган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда жорий йилнинг 15-16 июль кунлари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро анжуман ва Туркменистон Республикасининг Туркманбоши шаҳрида 5-6 август кунлари Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларининг ўтказилиши ҳам бунинг исботи ва эътирофидир. Бундан кўзланган асосий мақсад Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни ҳар икки минтақанинг барча халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустақкамлашдан иборат.

Ватан озод бўлган, буюк истиқлол истиқбол берган замонда яшаб, Ватанимиз тарихини мукамал ўрганмоқ, аждодларимиз маънавий меросини англамоқ, энг эзгу шукрона наъमत – мустақилликни асрамоқ, тинчликни кўриқламоқ сизу бизнинг бурчимиз эканликни доимо ёдда тутмоғимиз лозим! Истиқболнинг 30 йили қутлуғ бўлган буюк Ватанимиз истиқболи янада юксак, нури, истиқболли бўлсин! “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори эса ҳар биримиздан Ватанимизга садоқат, меҳр ва ифтихор билан астойдил хизмат қилишга ундайди!

Зотан шеърый сатрларда битилгандек:

*Сен менинг файзли ўтган ҳар оним,
Эътиқод, имконим, юксаклик шоним.
Истиқлол байроғин балан кўтарам,
Истиқболи ойдин Ўзбекистоним....*

Шоира ҚОДИРОВА,
тиббий-педагогика факультети
катта ўқитувчиси

ИСТИҚБОЛЛИ ИСТИҚЛОЛ

ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида эътироф этилиб, айниқса, ҳозир “кўринмас душман” – коронавирус пандемияси даврида шифокорларимизнинг касбий жасорати, юксак масъулияти амалда янада улғунмоқда. Тизим моддий-техника базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Бугун ўзбек ёшларининг қанотлари дунё бўйлаб кенг парвоз қилмоқда, уларнинг илму фанда, спорт соҳасида эришаётган муносиб ютуқлари жаҳон ахлининг ҳайрати, таҳсинига сазовор бўлмоқда. Жорий йилнинг 23 июль-8 август кунлари Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчиларидан олтин медаль совриндорлари таэквондочи – Улуғбек Рашитов, оғир

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга жорий этиш асосида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгилаш, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини реал воқеликка айлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. “Инсон манфаатлари – ҳамма нарсдан устун” ва “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойиллари асосида эса фуқароларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда: аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар,





Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори Шухрат Боймуродов РФА табиий фанлар академиги дипломига сазовор бўлди.

РФА ТАБИЙ ФАНЛАР АКАДЕМИГИ ДИПЛОМИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Ш.Боймуродов 1969 йилда туғилган, 1994 йилда биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти стоматология факультетини тамомлаган.

1995 йили иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти 2-клиникаси юз-жағ жарроҳлик бўлимида юз-жағ жарроҳлиги мутахассислиги бўйича интернатурани ўтган. 1995 йилдан буён илмий педагогик фаолият билан шуғулланади. Инглиз ва рус тилларида эркин илмий музокараларга кириша оладиган иқтидорли шифокор Россия, Австрия давлатларида ўз касбий малакасини ошириб қайтган.

2017 йилдан ҳозиргача Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича биринчи проректори лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Олим “Пастки жағ синиши ва унинг асоратларини комплекс даволашда иммуномодулинни қўллаш” мавзусидаги диссер-

тация ишини Стоматология ихтисослиги бўйича (2002 йилда ҳимоя қилган).

Докторлик диссертация мавзуси “Юз скелети суяклари кўшма жароҳатланган беморларда диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш” бўлган. У мазкур илмий ишни Стоматология ихтисослиги бўйича 2014 йилда Республикада биринчилардан бўлиб инглиз тилида ҳимоя қилган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Шухрат Боймуродовнинг ҳозиргача 165 илмий ва ўқув услубий ишлари: шундан 2 монография, 3 ўқув қўлланма, 8 услубий қўлланма, 4 ихтирога патент, 93 мақолалари эълон қилинган. Шулардан 43 таси халқаро нашрларда чоп этган.

Тошкент тиббиёт академиясида илмий ишлар проректори лавозимида ишлаш даврида Республика миқёсидаги ба- жариладиган 20 та ва 2 та

халқаро илмий грантлар, Европа иттифоқини “Эрасмус плюс” лойиҳалари бўйича 5 та грантни амалга оширган.

Чуқур илмий мушоҳадаси, теран фикри билан илмий педагогик жамоа ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари орасида катта ҳурмат қозона олган Шухрат Боймуродов мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида Россия Фанлар Академияси томонидан табиий фанлар академиги дипломига лойиқ топилди. Тошкент тиббиёт академияси маъмурияти ва илмий педагогик жамоаси камтар инсон, илм фидоийси, интилувчан ёш раҳбар, самимий қалб соҳиби Шухрат Боймуродовни ушбу эътироф билан табриклаб, олимнинг бундан кейинги илмий педагогик фаолиятига улкан зафарлар тилайди.

Г. МИРЗАЕВА



ЁШЛАР ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИГА БЕФАРҚ ЭМАС...

Янги Ўзбекистоннинг янгича фикрлашга ўрганиб бораётган ёшлари мамлакатимиз ҳаётидаги ҳар бир янгилик, ўзгариш, ислохотларда фаоллик кўрсатиб, кўплаб соҳалар ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар мудом ҳаракатда, изланишда. Табиийки, бу тетиклик ёшларимизни ҳамisha халқ орасида бўлишга ундайди.

Ҳаётнинг энг қайноқ жабҳаларида тобланиб, олинаётган билим ва тафаккурни синовдан ўтказиш, орттирилган тажрибаларни мақсадлари йўлида сарфлашга чорлайди. Энди ҳақли савол туғилади, катталарга нисбатан серҳаракат ёшлар пандемия шароитида касалликка қарши курашининг қайси босқичида? Теран мушоҳадали ёшларимиз аҳолини коронавирусдан ҳимоялаш тадбирлари хусусан, вакцинация жараёнида нечоғли фаол? Айниқса, кунда бемор билан тўқнаш келиб улар билан бошқа ёшларга нисбатан яқин ижтимоий мулоқотда бўлаётган бўлажак шифокорларнинг вакцинация тадбирларидаги иштироки қай даражада?

ТТА ректорининг ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича проректор Турдикул Бобомуратовга ана шу саволлар билан муурожаат этдик.

– Сиз тўғри бир саволни ўртага қўйдингиз, барча ҳаракатларимизнинг олдинги қаторида туриб барчага ўрнак бўлишни уddасидан чиқаётган ёшларнинг вакцинация жараёнидаги иштироки қандай бўлиш керак, нима сабабдан талаба-ёшлар эмланиши керак?

Таъкидлаш жоизки, оммавий эмланиш коронавирус пандемиясини енгишнинг ягона йўли ҳисобланади. Мамлакатимиздаги барча инсонлар эмланмас экан, 10-15-20 фоиз аҳолини эмлаш йўли билан бу масалани ҳал қилиб бўлмайди, касаллик аҳоли орасида айланиб давом этавериши мумкин. Эпидемия тарқалган мамлакатларда агар бирдамлик бўлмаса, ташаббускор кучлар ҳукумат кўраётган чора-тадбирларга лаббай деб жавоб бермас экан биз кўпчилик аҳолининг саросимага тушиб қолишига сабаб бўлишимиз мумкин.

Тан олишимиз керак аҳоли орасида энг ҳаракатчан қатлам бу ёшлар. Ҳамма нарса, шу жумладан коронавирус инфекциясини уйга олиб келаётган ҳам ёшлар... Улар кўча, улар жамоат транспорти, улар жамоат жойлари, ўқув курслари, маданий марказлар, спорт майдонлари, турли тадбирларда. Фақат биргина Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаётган талабалар сони 6500 минг нафардан зиёдни ташкил этади.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман бошқа ёшлардан фарқли равишда барча тиббиёт олийгоҳларида таҳсил олаётган талабаларни таълим жараёнлари, амалиёт дарслари олийгоҳларнинг клиникалари, шифохоналарида бевосита беморни текширишдаги иштироки орқали амалга оширилади. Ана шундай жараёнда талабалар беморларга, текширишга келган инсонларга касалликни юқтириши мумкин ёки юқтириб олиши мумкин. Талаба коронавирусга қарши эмланмаган бўлса касалхонада ётган бемор унга ўзини текширтиришга йўл қўймаслиги, рухсат бермаслиги мумкин. Демак, талаба коронавирус касаллигига қарши эмланмаган тақдирда, касаллик юқтириб олиш хавфи юқори бўлиши билан бирга, ота-онаси, яқинлари, текшираётган беморларига касаллик юқтириши хавфи юқорилиги сақланиб қолади, иккинчи томондан беморларни текшириш, клиник амалиёт ўтишларига имконият бўлмайди.

Мана бир ярим йил давомида эпидемиологик вазият сабабли вазиятга қараб Республикаимиздаги барча олийгоҳларда тала-



баларни ўқиш жараёнларини ташкил этиш асосан масофавий шаклда, вақти-вақти билан анъанавий шаклда бўлди. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини пасайишига сабаб бўлди. Айниқса йирик олий таълим муассасаларининг талабалар турар жойларида 2000-3000 талабаларни истиқомат қилиши, қатор қийинчиликларга сабаб бўлди. Талаба-ёшлар орасида коронавирус касаллиги аниқланган тақдирда, шу талабалар турар-жойлари карантинга ёпилди. Талабалар изоляцияланди, ўқиш жараёнларига бора олишмади, масофавий шаклда ўқиди. Агар коронавирусга қарши вакциналар билан талабалар тўлиқ эмланмаган бўлса, ўқув жараёнларини тўлиғича анъанавий шаклда ташкил этиш, сифатли билим олишлари, талабалар турар-жойларида хавотирсиз яшаш имконини беришини барча талаба-ёшларимиз билишлари зарур.

Демак, ёшларнинг коронавирусга қарши эмланиши бу зарур ва долзарб масала. Бу аввало бурч ва масъулият, Ватанимиз осойишталиги ва халқимиз тинчлиги, оилаларимиз фаровонлиги тўғрисида қайғуриш дегани. Шунинг учун биз ёзги таътил даврида барча талабаларимизга муурожаат қилдик. Биз ўзимизнинг сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги махсус саҳифаларимиз орқали бу маълумотларни уларга етказяпмиз.

Ёшларимизнинг бу оммавий ҳаракат вакцинация тадбирларига бефарқ эмаслиги мени хурсанд қилапти. Улар янги ўқув йилини вакцинация жараёнидаги фаоллиги, тетиклик ва бошқа ёшларга ўрнаклик билан кутиб оладилар.

Биз уларга бугунги вазиятнинг нақадар муҳимлигини тушунтириш, ўтмишдаги пандемиялардан олган сабоқларимизни қиёслашдан чарчамаслигимиз керак. Шу маънода Тошкент тиббиёт академияси илмий-педагогик жамоаси талабаларга муурожаат билан чиқдик. Бугун академия талабалари ва илмий педагогик жамоаси вакцинация ўтказиш жараёнларида нафақат вакцина олувчи шахс сифатида, балки уни амалга ошириш учун тиббиёт академиясининг 52 та кафедраси ходимлари Тошкент шаҳридаги 52 та оилавий поликлиникаларда вакцинация жараёнларини ташкиллаштириш ва тушунтириш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда.

(Давоми 5-бетда.)



ЁШЛАР ВАКЦИНАЦИЯ ТАДБИРЛАРИГА БЕФАРҚ ЭМАС...

(Боши 4-бетда.)

Бизга шу пайтгача 3 хил вакцина олиб келинди. Яқинда АҚШнинг МОДЕРНА вакциnasi 3 млн. доза олиб келинди. Бу нимадан далолат албатта мамлакатимиз аҳолисини пандемия даврида қўллаб-қувватланаётганлиги ва халқимиз соғлиги тўғрисида қайғуриляпти.

Пули тўланмаган хизматнинг қиммати бўлмайди...

Бир пайтлар одамлар гриппдан ҳимояланиш учун ўзлари ва болаларини пул тўлаб эмлаб қўярди.

Бугун давлатимиз бутун бир миллат соғлиги тўғрисида қайғуриб, мавжуд муаммони бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

Мамлакатимизда коронавирусга қарши эмлаш бошланганда биринчи навбатда коронавирус юқиш хавфи даражаси юқори бўлган қуйидаги шахсларни эмлаш назарда тутилган эди: 65 ёшдан ошган қариялар ва кексалар; сурункали касалликлари бор шахслар; тиббиёт

ходимлари; мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасалари ходимлари; аҳоли билан бевосита мулоқотга киришадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари. Аммо ёши эллиқдан паст бўлганлар, ёшлар, айниқса талабалар кейинги паллага қолдирилган эди.

Бутун дунё саросимада турган вазият бизга кўп жиҳатдан сабоқ бўляпти. Кўз ўнгимизда одамлар ўляпти.

Фикр юритадиган бўлсак, вакцинация бир одамни эмас, миллатни ўйлаб қилинаётган ғамхўрлик. Бундан бир йил олдин аҳоли орасида қачон коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқилади, қачон эмлаш жараёнлари бошланади, хавотирсиз юрамиз, деган гап сўзлар юрарди. Бугун вакцина бор, етарли миқдорда.

Агар биз бирлашиб, аҳиллик билан 70 фоиз одамларни эмлашга эришсак, бу касаллик чекина бошлайди. 10-15 фоиз билан самарали натижага эришиб бўлмайди.

Пандемия авж олган дастлабки кун-

ларда вакцина олиш зарурати пайдо бўлганлиги, биринчи навбатда ҳарбийлар, шифокорлар ўқитувчилар ва кекса ёшдагилар эмлансин деган топшириқ бўлгани, эндиликда вазият кўпроқ тарғибот ва ташаббусни тақозо этаётганини тушунтирдик. Бошқа ОТМ талабаларидан фарқли ўлароқ ТТА талабалари халқ орасида кўп бўлади. Бевосита касал билан ижтимоий мулоқотга киришади, соатлаб бемор ёнида қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам бўлажак шифокорларимиз ёшларга хос сергаклик билан қарор қабул қилмоқдалар. Янги ўқув йилига ТТА талабалари тўлиқ эмланган ҳолатда келиб, ўқишни янгича кайфиятда, ўзига нисбатан ишонч ва масъулият, атрофдагиларга шифокорларга хос меҳр билан давом эттиришларига ишонаман.

**Тошкент тиббиёт академияси
матбуот котиби
Гулчеҳра МИРЗАЕВА
ёзиб олди**

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот аввало инсон, унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир.

Бутун дунёда коронавирус пандемияси давом этаётган вақтда унга қарши курашиш, касаллик асоратларига йўл қўймаслик, олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кафедралари профессор-ўқитувчилари жамоалари ҳам Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ходимлари пойтахтимизнинг 12 та туманларида жойлашган поликлиникалардаги ҳамкасбларига коронавирусга қарши курашиш ҳамда аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишда кўмаклашмоқда. Академия жамоаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Ҳеч қайси бемор эътибордан четда қолмайди” деб эълон қилинган ижтимоий ҳаракатида фаол қатнашмоқда.

Тиббиёт жонкуярлари COVID-19нинг олдини олиш, назорат қилиш ва даволашни ташкил этишда маҳаллий тиббиёт ходимларига яқиндан кўмаклашмоқда. Тиббий хиз-

мат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида жойларда шифокорлар ва тиббиёт ходимлари билан биргаликда коронавирус билан хасталанган беморларни амбулатор ва уй шароитида даволаш стандартларига риоя қилиши ҳолатини ҳамда коронавирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ бўлган эпидемиологик вазиятни ўрганиш баробарида ўз маслаҳатларини бериб, жойларда ташкил этилган вакцинация жараёнларини ҳам батафсил ўрганиб чиқмоқда. Шунингдек, мутахассислар аҳолининг кенг қатламига коронавирус билан боғлиқ бўлган маълумотларни етказиб, тиббий тавсияларини айтиб ўтишмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказилаётган вакцинация жараёнида фуқароларни чорлашда ҳам ўз тавсияларини бериб боришмоқда.

**Рустам САЙДАЛИЕВ,
Шоира ҚОДИРОВА,
тиббий-педагогика факультети
катта ўқитувчилари**



Бугун мактабда ўқийётган боладан Наврўз қанақа байрам, деб сўрасангиз, бу – энг чиройли, энг шодиёна байрам эканини, уйда кўк сомса, маҳаллада сумалак пиширилгани, кўча ва майдонларда сайллар бўлганини бийронлик билан айтиб беради. Бир вақтлар аввал Наврўз тақиқланган эди, десангиз, ҳайрон қолади.

Бугун коллежда таълим олаётган ўсмирдан Амир Темура ким, деб сўрасангиз, улуг саркарда, давлат арбоби, маданият ва маънавият ҳомиеси бобокалон Соҳибқирон ҳақида фахрлиб гапиради. Бир замонлар бу сиймонинг номини тилга олиш мумкин эмас эди, десангиз, ишонмайди.

Бугун олий ўқув юртининг талабасидан экология нима, деб сўрасангиз етук мутахассис каби бу тушунчани илмий асослаб бера олади. Утган аср ўрталарида юртимизда экологик фожиа рўй бериб Орол денгизи ўлим ёқасига бориб қолгани, бу ҳам етмагандек елкаси яғир бўлиб пахта экканлар охир-оқибат “кўшиб ёзувчи”, “текинхўр” деб қамоққа тикилганини айтсангиз, ҳайратланади.

Мактаб боласидан тортиб, университет талабасигача она тилининг бойликлари билан фахрланади ва яна бир эмас, бир неча чет тилларни билади. Яқин ўтмишда катта-кичик мажлисларда ўзбек тилидан гапириш “номақбул” саналганини, кўчалар, майдонлар, боғлар ялписига бошқа тилда номланганини айтсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайди...

Кўп такрорланган бир гапни тагин қайтараётганим учун узр сўрайман. XX асрда иккита чинакам тарихий воқеа рўй берди. Бири – инсон қадамнинг

Ойга етиши, яна яна бири – Ватанимизнинг Мустақилликка эришиши эди. Иккаласи ҳам аждодларнинг асрий орзуси эди. Шу боисдан ҳам биз Ватан истиқлолини энг тансиқ, энг муътабар байрам сифатида нишонлаймиз. Ўзбекистон мустақилликка эришганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ тарих учун қисқа саналадиган мана шу мuddатда юртимизда улуг ўзгаришлар рўй берди. Бир вақтлар “аграр Республика” саналган юртга бугун Ўзбекистон муҳри билан чиқарилаётган автомобилларни дунёнинг ҳамма бурчагида кўришингиз мумкин. Шаҳарларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бир замонлар чет элга бир ҳафтагина “туристик саёҳат”га чиқиш ойга учиндек орзу ҳисобланган бўлса, бугун Ўзбекистон фуқароси дунёнинг истаган мамлакатига бориб ўқияпти, ишлапти. Тарихимиз, тилимиз, маънавий қадриятларимиз тикланди...

Энг муҳими, онги мустақиллик йилларида шаклланган, тафаккури, дунёқараши янгича авлод пайдо бўлди. Мана шу авлодга – фарзандларимиз ва набираларимизга Ватан мустақиллиги “ўзидан-ўзи”, “осмондан” тушмаганини ўқитиб бориш, уларни истиқлолни авайлашга, юрт озодлиги йўлида жонини фидо қилган аждодларини унутмасликка ундаб туриш биз – катта ёшдагиларнинг бурчимиз. Зеро, бугуннинг қадрига етиш учун кечаги кунни эсдан чиқармаслик керак.

Шундай қилиб, 1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Ватанимиз Мустақилликка эришди!

БМТда юртимиз байроғи ҳилпирай бошлади. Аждодларимизнинг минг йиллик орзуси рўёбга чиқди. Юртбошимиз адолатсизлик қурбонлари — “пахта иши”, “ўзбек иши” баҳонасида ҳўк қилинган, бири Россиянинг қоронғи ўрмонларида, бири Қозоғистоннинг қуш учмас саҳроларида азоб чекаётган ҳамюртларимизнинг ҳаммасини Ватанимизга қайтариб олиб келиш ҳақида топшириқ берди! Бу – ҳуқуқлари камситилган, ғурури топталган инсонларга кўрсатилган адолат эди!

Бир вақтлар “Наврўз” – диний байрам, эскилик сарқити, деб тақиқлаб қўйилган бўлса, энди у хар йили расман умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Шўролар замоннда айрим даҳрийлар мачитларни бузиб, неча асрлардан бери элга хизмат қилиб келган мадрасаларда чўққа боққан бўлсалар (афсуски, бунақаси бўлган), истиқлол туфайли фуқароларнинг виждон эрки тикланди. Қурбон

Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Отажон Ҳошим, Усмон Носир ва бошқа юзлаб юрт фидойиларининг пок номи оқланди. Шўрпешоналар қатл этилган жойда Президентимиз ташаббуси билан “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси бунёд этилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилди. Ватан озодлигини асарларида тараннум этган адиб, олим ва шоирларнинг номлари абадийлаштирилди, уларга ҳайкаллар қўйилди, асарлари қайта-қайта нашр этилди. Эллигинчи йиллардаги “қама-қама”ларда азоб чеккан талай ижодкорларнинг ҳурмати жойига қўйилиб, меҳнати юксак баҳоланди. Устоз Саид Аҳмаднинг ҳаяжон билан айтган бир гапи хотирамга муҳрлиниб қолган. “Эллигинчи йилда “халқ душмани” деб қўлимга кишан солиб “борса-келмас”га олиб кетган эдилар. Мустақиллик шарофати, Юртбошимиз раҳнамолиги билан Халқ ёзувчиси бўлдим, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдим...”

Бир вақтлар расмий йиғилишларда она тилида гапириш “номақбул” саналган бўлса Мустақиллик арафасида ўзбек тилига Давлат мақоми берилди. Бироқ бу бизнинг юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакиллари билан биронтасининг ҳуқуқини камситмайди. Хар ким ўз она тили билан фахрланиш, ўз тилида сўзлаш ва ёзиш ҳуқуқига эга. Жаҳондаги барча демократик мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам хар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир хил!

Бугун жаҳоннинг истаган мамлакатига борган ҳамюртимиз “мен Ўзбекистон фуқаросиман” деб фахр билан айтиши мумкин. Чунки бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам дунё ҳамжамиятида ўз ўрни, обрў-эътибори бор. Юртбошимиз таъкидлаганидек биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Халқимизнинг суюқли адиби, Абдулла Қодирий ўлмас асари — “Уткан кунлар” романида “мозийга қараб иш қўриш хайрли дейдилар”, деб ёзган эди. Чиндан ҳам шундай.

Зеро, кечаги кунни унутманган одам бугуннинг қадрига етади. Ҳозирги авлодга – фарзандларимиз ва набираларимизга буни бот-бот эслатиб туриш бизнинг вазифамиз.

Дунёда меҳри дарё аёллар кўп. Аммо инсон боласи учун Она битта бўлади. Дунёда гўзал юртлар ҳам кўп. Аммо инсон боласи учун Ватан битта бўлади! Сиз билан биз она юртимизни қанча эъозласак, шу кунларга етказгани учун Яратганга қанча шукрона қилсак, истиқлолимизни қанча авайласак, ҳозирги таҳликали замонда юртимиздаги тинчлик-товуқлини асрасак, ёш авлод ҳам ўрнак олади. Бугунги куннинг қадрига етиш учун эса вақти-вақти билан кечаги кунни ҳам эслаб туриш зиён қилмайди...

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

КЕЧАНИ УНУТМАГАН БУГУННИ ҚАДРЛАЙДИ

ҳайити, Рамазон ҳайити расман байрам қилинадиган, хар йили Ҳаж сафарига борадиган минглаб зиёратчилар учун барча шароитлар яратиладиган бўлди. Муқаддас Қуръони каримнинг замонавий ўзбек тилидаги маънолар таржимаси давлатимиз раҳбарининг жонқуярлиги билан тарихда биринчи марта нашр этилди ва яна кўплаб тафсиридан чоп этилмоқда. Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ғажвуддони, Термизий каби уламоларнинг пок номи тикланиб, улар хотирасига обидалар ўрнатилди. Тошкент – Ислому маданияти маркази деб эълон қилинди. Пойтахтда Исламу университети иш бошлади. Ҳозир унда юзлаб ёшлар таълим олмақда. Пойтахтимизда Ҳасани имом мажмуаси бунёд этилди...

Бир вақтлар атоқли олим Бўрибой Аҳмедов Соҳибқирон Амир Темура ҳақида матбуотда икки оғиз ижобий фикр билдиргани учун минг бир хил таъйиқларга йўлиққан бўлса, энди Амир Темура фақат Марказий Осиё эмас, бутун жаҳон тарихида ўчмас из қолдиргани исботланди. Яқин ўтмишда “босқинчи”, “қонхўр” деб ҳақоратлаб келинган бу сиймо бир-бирдан гўзал шаҳарлар, ўлмас обидалар бунёд этгани, давлат арбоби, фан, адабиёт ва санъат ҳомиеси бўлгани аниқланди. Бугунги ёшлар шундай буюк шахснинг авлодлари экани билан фахрланаётир.

Утган асрнинг ўттиз еттинчи йилларида авж олган “калла олишлар” бошқалар қатори ўзбекнинг ҳам элпарвар фидойиларига қирон келтиргани эди. Мустақиллик шарофати билан

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(2021 йил август)

№	Кафедра	Лавозим, штат бирлиги
1-сон даволаш факультети		
1	1-сон ички касалликлар пропедевтикаси	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2	1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги	доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
3	1-сон факультет ва госпитал терапия, касб патологияси	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
4	2-сон ички касалликлар	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
5	1-сон факультет ва госпитал жарроҳлик	ассистент – 1,0
6	1-сон болалар касалликлари	доцент – 1,0
7	1-сон акушерлик ва гинекология	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
8	Оториноларингология ва стоматология	доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
9	Неврология ва тиббий психология	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
10	Офтальмология	кафедра мудири – 1,0; доцент – 1,0; ассистент – 1,0
11	Анестезиология ва реаниматология	доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2-сон даволаш факультети		
1	Одам анатомияси ва клиник анатомия	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2	Патологик анатомия	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
3	2-сон болалар касалликлари	ассистент – 1,0
4	Хирургик касалликлар	доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
5	2-сон акушерлик ва гинекология	кафедра мудири – 1,0; доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
6	Онкология	ассистент – 1,0
7	Суд тиббиёти ва тиббий ҳуқуқи	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
8	1-сон травматология, ортопедия ва ХДЖ	ассистент – 1,0
9	Болалар касалликлари пропедевтикаси	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
10	1-сон ички касалликлар	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
Тиббий педагогика факультети		
1	Нормал ва патологик физиология	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2	Педагогика ва психология	кафедра мудири – 1,0; доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ўқитувчи – 1,0
3	2-сон ички касалликлар пропедевтикаси	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
4	Реабилитология, халқ таъбири ва жисмоний тарбия	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
5	2-сон факультет ва госпитал терапия	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
6	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
7	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
8	Фтизиатрия ва пульмонология	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
9	Психиатрия ва наркология	ассистент – 1,0
10	Клиник фармакология	ассистент – 1,0
11	3-сон ички касалликлар	ассистент – 1,0
12	2-сон травматология, ортопедия, ХДЖ ва нейрожарроҳлик	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
Тиббий профилактика факультети		
1	Гистология ва тиббий биология	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2	Микробиология, вирусология ва иммунология	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
3	Атроф-муҳит гигиенаси	доцент – 1,0; ассистент – 1,0
4	Эпидемиология	ассистент – 1,0
5	Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
6	2-сон умумий хирургия	ассистент – 1,0
7	Дерматовенерология	ассистент – 1,0
8	Гематология, трансфузиология ва клиник лаборатория	катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
Менежмент, тиббий биология, тиббий биомухандислик ва ОМХ факультети		
1	Ижтимоий фанлар	доцент – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ўқитувчи – 1,0
2	Ўзбек ва хорижий тиллар	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ўқитувчи – 1,0
3	Жамоат саломатлиги ва менежмент	кафедра мудири – 1,0; ассистент – 1,0
4	Тиббий ва биологик кимё	кафедра мудири – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
5	Биотиббий муҳандислиги, информатика ва биофизика	ассистент – 1,0
6	Фармакология	кафедра мудири – 1,0; ассистент – 1,0
7	Тиббий радиология	кафедра мудири – 1,0; ассистент – 1,0
8	Аллергология, ҳамширалик иши	ассистент – 1,0
Малака ошириш факультети		
1	Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби	мактаб директори – 1,0; катта ўқитувчи – 1,0; ассистент – 1,0
2	Симуляцион таълим	ассистент – 1,0

Ҳужжатлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент тиббий академиясининг девонхона ва архив бўлимида қабул қилинади.
Манзил: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



Иммунопрофилактика юқумли касалликларга қарши курашда энг самарали тадбирлардан бири. Юқумли касалликларга қарши курашда эришилган ютуқлар айнан эмлаш ишлари билан боғлиқ бўлган. Одамлар орасида айрим юқумли касалликларнинг батамом тугатилиши ҳам аҳолини ёппасига эмлаш тўғрисида амалга ошган.

COVID-19НИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юқумли касалликларга қарши курашиш, одамлар орасида айрим юқумли касалликларни батамом тугатиш, баъзиларини кескин камайитириш дастури ҳам айнан иммунопрофилактикага асосланади.

Ўзбекистонда эмлаш Дастурини амалга ошириш борасида муайян ютуқларга эришилган. Аҳолини юқумли касалликларга қарши эмлаш – давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб иммунопрофилактика стратегияси мамлакатимиздаги амалдаги қонунларга, ЖССТ тавсияларига асосланган бўлиб, бу жараён қулай, бепул ва аҳолининг кенг қатламларини қамраб олишга қаратилган.

Ўтган йилдан буён давом этаётган COVID-19 пандемияси инсоният тарихида халқаро аҳамиятга эга бўлган ўта хавфли фавқулудда вазият сифатида тан олинди. Табиат ва жамиятда янги-янги вируслар пайдо бўлиши, одамлар орасида тарқалиши ва касаллик чақириши табиий ҳолат. Инсоният ва жаҳон тиббиёти ушбу касалликларга қарши курашишга, уларнинг олдини олишга ҳар доим тайёр турмоғи лозим.

COVID-19 пандемияси бутун дунё соғлиқни сақлаш тизими олдида ўта муҳим ва жиддий муаммоларни кўйди. Ўзбекистонда эпидемиологик вазият нисбатан турғун бўлишига қарамай, дунёдаги таҳликали вазият, вирусларнинг янги-янги штаммлари пайдо бўлиши зудлик билан улар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўришни тақозо қилади.

Янги COVID-19 Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиология хизмати, барча тоифадаги шифокорлар, ҳамширалар олдида ушбу ка-

салликка ташхис қўйиш, уни даволаш ва профилактикаси борасида муҳим вазифаларни ечиш муаммосини кўйди.

COVID-19 пандемияси, дунёдаги барча мамлакатлар, у ердаги мутахассисларнинг ҳамкорликда, қўлни-қўлга бериб, илмий-тадқиқот ишларининг натижасини амалиётга биргаликда татбиқ этиш, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу касалликка қарши самарали вакциналарни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Мазкур инфекцияга қарши курашининг энг самарали усули — аҳолини оммавий эмлаш. Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 апрелидан аҳолини бепул оммавий эмлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу “ZF-UZ-VAC2001”, “СПУТНИК-V”, “AstraZeneca” каби вакциналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Учала вакцина ҳам клиник синовлардан ўтказилган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай касалликка қарши эмлашда, унинг фойдаси ва зарарини ҳисобга олиш лозим. Бугунги кунда COVID-19 инфекциясига эмлашга қарши кўрсатмалар мавжуд: 18 ёшга тўлмаганлар, ҳомиладорлар, эмизикли оналар, ўткир касалликлар хуружи давридаги беморлар ва вакцина оқсилларига ўта сезувчанлиги бор кишилар эмланмайди.

Баъзи бир фуқаролар сўрашади: COVID-19га қарши эмлашдан кўра, ушбу касаллик билан касалланиб ўтиш яхши эмасми? Тўғри эмлашни ҳар бир киши ўзи мустақил ёки даволовчи



шифокори иштирокида мавжуд бўлган эпидемиологик вазият ва ўзининг саломатлик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади. Шуни назарда тутиш керакки, агар эмлашга қарши кўрсатма бўлмаса, эмлаш соғлиқ учун кўпроқ фойда келтиради, чунки эмлашдан кейин пайдо бўладиган иммунитет, касалланиб ўтгандан кейинги иммунитетдан кучлироқ бўлади. Шу билан бирга Ер юзиде яшаётган аҳолининг 22 фоизи ёки бештадан биттасида COVID-19нинг оғир клиник шаклига сабаб бўлувчи кўшимча касалликлар мавжуд, касалликдан кейин кузатиладиган асоратлар, беморларнинг иш кунларини йўқотилиши, қўлланиладиган дориларнинг ноҳўя таъсири, касалликнинг оила аъзоларига юқиши каби салбий оқибатлар, беморларни даволагандан кўра, аҳолини эмлаб касалликнинг олдини олиш ниҳоятда афзал эканлигини кўрсатади.

Республика бош эпидемиологининг қарорига кўра, эмланмаган профессор-ўқитувчилар ишга, талабалар эса дарсларга қўйилмайди.

О.МИРТАЗАЕВ,
ТТА эпидемиология
кафедраси профессори

Тошкент тиббиёт академияси ректори ва академия жамоаси Тиббий педагогика факультети 5-курс 504-гурӯх талабаси
Абдурахмон КОЛОНОВ Сарвархон ўғлининг
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHIRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади